ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ҲАЖМИНИ СУНЪИЙ ОШИРИБ КЎРСАТИШ ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Ш.А.Толибжонов
Тошкент шаҳар прокуратураси
Ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими
алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

Аннотация

Мазкур мақолада қурилиш объектларида бажарилган ишлар ҳажмини сунъий ошириб кўрсатиш ҳолатларини аниқлаш усуллари таҳлил қилинган. Бунда лойиҳа-смета ҳужжатлари, пудрат шартномалари, бажарилган ишлар далолатномалари, ҳисоб-фактуралар ва объектда амалда бажарилган ишлар ўртасидаги маълумотларни ўзаро солиштириш, назорат ўлчовини ўтказиш, қурилиш-техник экспертизаси имкониятларидан фойдаланиш ҳамда рақамли хавф таҳлилини қўллаш масалалари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги амалиёт ва суд ҳужжатлари асосида бажарилмаган ишлар ҳажмини ҳисобот ҳужжатларига киритиш ҳолатлари таҳлил қилиниб, хорижий тажриба билан қиёсий ўрганилган. Тадқиқот натижасида қурилиш ишлари ҳажмининг ҳаққонийлигини текшириш ва сунъий ошириш ҳолатларини эрта аниқлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қурилиш объекти, бажарилган ишлар ҳажми, сунъий ошириб кўрсатиш, назорат ўлчови, лойиҳа-смета ҳужжатлари, бажарилган ишлар далолатномаси, қурилиш-техник экспертизаси, рақамли таҳлил, молиявий назорат, қурилиш соҳасидаги қоидабузарликлар.

Кириш

Қурилиш соҳасида бажарилган ишлар ҳажмининг ҳаққонийлигини таъминлаш ажратилган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш, қурилиш сифати ва объектларни белгиланган талаблар асосида барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бироқ, амалиётда бажарилмаган ишларни бажарилган сифатида расмийлаштириш, амалда бажарилган ишлар ҳажмини ҳисобот ҳужжатларида ортиқча кўрсатиш, сарфланган қурилиш материаллари миқдори ва қийматини асоссиз ошириш каби ҳолатлар учраб туради. Бундай ҳаракатлар қурилишнинг ҳақиқий қиймати билан ҳужжатларда акс эттирилган кўрсаткичлар ўртасида тафовут юзага келишига ва молиявий зарар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, мазкур ҳолатларни аниқлаш муайян мураккабликларга эга бўлиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари, бажарилган ишлар далолатномалари, қурилиш материалларининг сарфи ҳамда объектда амалда бажарилган ишларни ўзаро солиштиришни талаб этади. Шу сабабли қурилиш объектларида бажарилган ишлар ҳажмини сунъий ошириб кўрсатиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлашга хизмат қилувчи ҳужжатли текширув, назорат ўлчови, эксперт текшируви ва замонавий рақамли таҳлил усулларини комплекс ўрганиш ҳамда такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси

Қурилиш объектларида бажарилган ишлар ҳажмининг ҳаққонийлигини аниқлаш масаласи қурилиш иқтисодиёти, смета ҳисоб-китоблари ва рақамли қурилиш моделлари бўйича олиб борилган тадқиқотларда турли жиҳатлардан ўрганилган. Хусусан, Хао Лю, Джек Си П. Ченг, Дж. Л. Ган ва Шаньцзин Чжоу қурилиш ишлари ҳажмини аниқлашда анъанавий икки ўлчамли чизмалар асосида ҳисоб-китоб

қилиш кўп вақт талаб қилиши ва инсон омили туфайли хатолар юзага келиши мумкинлигини таъкидлайди[1]. Муаллифлар, қурилиш ахборот моделларидан фойдаланган ҳолда ишлар ҳажмини автоматик ҳисоблаш ва моделдаги нотўғри маълумотларни аниқлаш имконини берувчи усулларни таклиф қилишган.

Чаванонт Хосакичалерт, Нобуёси Ябуки ва Томохиро Фукуда тадқиқотларида эса, қурилиш ахборот моделидан олинган ҳажм кўрсаткичлари ҳар доим ҳам мутлақ аниқ бўлмаслиги, моделдаги тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар натижасида ҳисобланган ва ҳақиқий ҳажмлар ўртасида фарқ пайдо бўлиши мумкинлиги кўрсатилган[2]. Шу сабабли олимлар ортиқча ҳисобланган ва ҳисобга олинмай қолган ҳажмларни автоматик аниқлашга қаратилган махсус усулни ишлаб чиққан.

Моджтаба Валинеджадшуби, Осама Мосельхи, И. Иорданова ва бошқалар қурилиш ишлари ҳажмини автоматик ҳисоблаш билан бирга, олинган натижаларнинг аниқлигини алоҳида текшириш зарурлигини таъкидлайди. Улар томонидан таклиф этилган тизим қурилиш моделидаги ҳажмларни автоматик ҳисоблаш, уларни текшириш ва мавжуд номувофиқликларни аниқлаш имконини берган[3]. Тадқиқотда

[1] Liu, Hao & Cheng, Jack & Gan, Vincent & Zhou, Shanjing 'Alexander. (2022). A novel Data-Driven framework based on BIM and knowledge graph for automatic model auditing and Quantity Take-off. Advanced Engineering Informatics. https://www.researchgate.net/publication/363882560_A_novel_Data-Driven_framework_based_on_BIM_and_knowledge_graph_for_automatic_model_auditing_and_Quantity_Take-off

[2] Khosakitchalert, Chavanont & Yabuki, Nobuyoshi & Fukuda, Tomohiro. (2019). Improving the accuracy of BIM-based quantity takeoff for compound elements. Automation in Construction. https://www.researchgate.net/publication/334401592_Improving_the_accuracy_of_BIM-based_quantity_takeoff_for_compound_elements

[3] Valinejadshoubi, Mojtaba & Moselhi, Osama & Iordanova, I. & Valdivieso, Fernando & Bagchi, Ashutosh. (2024). Automated system for high-accuracy quantity takeoff using BIM. Automation in Construction. https://www.researchgate.net/publication/377040724_Automated_system_for_high-accuracy_quantity_takeoff_using_BIM

Канададаги инфратузилма объекти мисолида айрим девор элементлари материаллари ҳажмида 39 фоизгача номувофиқлик аниқлангани келтирилган.

Шу билан бирга, мавжуд тадқиқотларнинг аксарияти қурилиш ишлари ҳажмини аниқ ҳисоблаш ва техник хатоларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, бажарилган ишлар ҳажмини қасддан сунъий ошириб кўрсатиш ҳолатларини аниқлаш усулларини ҳуқуқий, назорат ва эксперт нуқтаи назаридан комплекс тадқиқ этиш масаласи нисбатан кам ёритилган. Шу боис ҳужжатларда кўрсатилган ҳажмларни объектда амалда бажарилган ишлар билан солиштириш, назорат ўлчовлари, қурилиш-техник экспертизаси ҳамда рақамли маълумотларни таҳлил қилиш усулларини биргаликда қўллаш масалаларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Материал ва методлар

Тадқиқот жараёнида қурилиш объектларида бажарилган ишлар ҳажмини сунъий ошириб кўрсатиш ҳолатларини аниқлашга оид ҳуқуқий ва амалий механизмлар комплекс ўрганилди. Формал-юридик метод асосида қурилиш ишларини ташкил этиш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинди. Қиёсий-ҳуқуқий метод орқали хорижий давлатларда қурилиш харажатлари ва бажарилган ишлар ҳажмини назорат қилиш усуллари миллий амалиёт билан солиштирилди. Шунингдек, тизимли таҳлил, ҳужжатларни ўзаро таққослаш, назорат ўлчови ва қурилиш-техник экспертизаси натижаларини баҳолаш усулларидан фойдаланилиб, бажарилган ишлар ҳажмидаги номувофиқликларни аниқлаш имкониятлари ўрганилди.

Таҳлил ва ечимлар

Қурилиш объектларида бажарилган ишлар ҳажмини сунъий ошириб кўрсатиш ҳолатларини аниқлашда, аввало, ҳисобот

ҳужжатларида акс эттирилган кўрсаткичларни объектда ҳақиқатда бажарилган ишлар билан таққослаш муҳим аҳамиятга эга. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сон қарори 4-иловаси билан тасдиқланган "Қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом** айнан қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмини аниқлашга қаратилган[4]. Низомга кўра, назорат ўлчови молиялаштириш манбаидан қатъи назар қурилиш объектларида қўлланилади ҳамда объект фойдаланишга топширилгандан ёки қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан кейин ҳам ўтказилиши мумкин.

Мазкур Низомнинг **4-иловаси 12 ва 15-бандлари** бажарилган ишлар ҳажмини сунъий ошириб кўрсатишни аниқлашнинг амалий механизмини белгилаб беради. Хусусан, назорат ўлчови далолатномасида пудрат шартномасида белгиланган иш ҳажми билан назорат ўлчови орқали аниқланган ҳақиқий иш ҳажми ва улар ўртасидаги фарқ ҳар бир иш тури кесимида кўрсатилиши шарт. Назоратчи эса, объектда ҳақиқатда бажарилган амалда бажарилган ишлар ҳажми лойиҳа ҳужжатлари, оферта ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб-фактуралар билан солиштириши, материаллар ҳажми, калькуляцияси ва техник параметрларини текшириши, шунингдек ҳисоботлардаги арифметик хатоларни аниқлаши лозим. Шу нуқтаи назардан, сунъий оширишни аниқлашнинг биринчи усули сифатида "**лойиҳа – шартнома – бажарилган ишлар ҳужжати – ҳақиқий ҳолат**" занжири бўйича ўзаро солиштирма текширувни ажратиш мумкин.

Масалан, лойиҳа чизмасида 1 000 квадрат метр пардозлаш ишлари назарда тутилган, бажарилган ишлар далолатномасида эса, 1 200 квадрат

[4] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, 2021 йил 20 майдаги "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 321-сон Қарори // қонунчилик маълумотлари миллий базаси // https://lex.uz/docs/5429356#5433167

метр кўрсатилган бўлса, дастлаб 200 квадрат метрлик фарқнинг қонуний асоси мавжуд ёки мавжуд эмаслиги текширилади. Агар лойиҳага белгиланган тартибда ўзгартириш киритилмаган ва қўшимча ишлар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган бўлса, бундай тафовут ишлар ҳажмини асоссиз ошириш аломати сифатида баҳоланиши мумкин. Бу ерда асосий эътибор фақат пул миқдорига эмас, балки ишнинг амалда бажарилган ишлар ҳажми кўрсаткичларига – квадрат метр, куб метр, погон метр, дона ва бошқа ўлчов бирликларига қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи муҳим усул – назорат ўлчови ҳисобланади. Бунда ҳужжатларда акс эттирилган маълумотлар объектнинг ўзида қайта ўлчанади ва олинган натижа смета ҳамда бажарилган ишлар далолатномаси билан таққосланади. Айниқса, бетон ишлари ҳажми, девор ва пардозлаш майдони, қувурлар узунлиги, йўл қопламаси майдони, ўрнатилган конструкциялар сони каби кўрсаткичлар бевосита ўлчаш орқали текширилиши мумкин. Шу билан бирга, Низомнинг **4-иловаси 18–19-бандларида** ўлчаш қийин бўлган конструкциялар ишчи чизмалар ва таснифлар асосида текширилиши, ёпилиб кетган ишлар эса уларни қабул қилиш далолатномалари ҳамда ижро чизмалари асосида баҳоланиши белгиланган. Агар бундай далолатномалар мавжуд бўлмаса, зарур ҳолларда бажарилган ишларни пудратчи ҳисобидан очиб текшириш талаб қилиниши мумкин. Бу механизм кейинчалик бошқа конструкциялар билан ёпилиб кетадиган пойдевор, арматура, гидроизоляция ва муҳандислик тармоқлари каби ишларда ҳажмни сунъий ошириш ҳолатларини аниқлашда айниқса муҳимдир.

Мазкур усулларнинг амалий аҳамияти расмий манбаларда келтирилган ҳолатлар билан ҳам тасдиқланади. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2021 йилнинг биринчи ярмида 59 та қурилиш объекти бўйича ўтказилган ўрганишларда Жиззах

вилоятидаги 19 та объектда 6,3 млрд сўмлик қурилиш ишлари тўлов ҳужжатларига асоссиз қўшиб ёзилгани, Андижон вилоятида эса 4 та объект бўйича 1,4 млрд сўмлик амалда бажарилмаган ишлар ҳисобот ҳужжатларига киритилгани аниқланган [5]. Шунингдек, 2025 йилда Самарқанд шаҳрида 200 ўринли туғруқхона қурилиши бўйича бажарилган ишлар назорат ўлчовидан ўтказилиши натижасида, қурилиш ишлари тўлиқ бажарилгани ҳақида ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган бўлса-да, 4,5 млрд сўмлик ишлар амалда бажарилмаган ҳолда ҳужжатларга қўшиб ёзилгани аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган[6].

Бунда техник ва муаллифлик назорати маълумотларини ҳам биргаликда ўрганиш лозим. **321-сонли қарорнинг 3-иловаси** билан тасдиқланган Низомда, техник назорат буюртмачи томонидан қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва қабул қилиш устидан олиб бориладиган назорат ҳисобланади, муаллифлик назорати мутахассиси эса объектдаги ечимлар ва кўрсаткичларни тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Шундай экан, бажарилган ишлар далолатномасида қайд этилган ҳажмларни техник назорат қайдлари, муаллифлик назорати журнали ва ижро чизмалари билан бир вақтнинг ўзида таққослаш маълумотларни сохталаштириш ёки ўзаро мувофиқлаштирилмаган ҳолда ошириб кўрсатишни аниқлаш имкониятини оширади.

Учинчи усул сифатида рақамли хавф таҳлилини кўрсатиш мумкин. **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги**

---

[5] https://old.anticorruption.uz/uzc/item/2021/11/24/kapital-qurilish-sohasida-korrupsiyasiz-soha-loyihasini-amalga-oshirish-chora-tadbirlari-ijrosi-yuzasidan-brifing

[6] https://uza.uz/oz/posts/samarqandda-45-milliard-somni-yeb-yuborgan-quruvchi-va-buyurtmachiga-jinoyat-ishi-ochildi_722318

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг, 2026 йил 9 сентябрьдаги №3935-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш соҳасида "Хавфни таҳлил қилиш" электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги"ги янги Низомда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган қурилишларда қонунбузилиш хавфини автоматик баҳолаш учун махсус кўрсаткичлар белгиланди. Уларнинг қаторига сметада материаллар нархининг асоссиз оширилиши, иш ҳажмининг спецификацияга нисбатан ортиқ ҳисобланиши, бажарилган ишлар сертификатидаги ҳажм билан лойиҳа чизмаларидаги ҳажм ўртасида тафовут мавжудлиги ҳамда бажарилган ишлар далолатномасидаги нархларнинг тендер ҳужжатларидаги нархлардан юқори кўрсатилиши киритилган. Ҳар бир бундай кўрсаткич 20 балл билан баҳоланади. Мазкур ёндашув сунъий оширишни фақат объектга чиқиб текшириш орқали эмас, балки ҳужжатлардаги маълумотларни автоматик таққослаш орқали ҳам дастлабки босқичда аниқлаш имконини беради[7].

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, бундай ёндашув АҚШ давлат харидлари амалиётида ҳам қўлланилади. АҚШ Федерал харидлар қоидаларининг 52.232-5-бандида, қурилиш бўйича оралиқ тўловлар фақат ҳақиқатда бажарилган ишлар баҳоси асосида амалга оширилади ва пудратчи тўлов талабномасида ҳар бир иш элементи бўйича сўралаётган суммани асослаб бериши шарт. Шунингдек, пудратчи сўралаётган маблағ шартнома талабларига мувофиқ бажарилган ишлар учун эканлигини

[7] Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг, 2026 йил 9 сентябрьдаги "Бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш соҳасида "Хавфни таҳлил қилиш" электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги №3935-сон буйруғи // қонунчилик маълумотлари миллий базаси // https://www.lex.uz/ru/docs/8468314

тасдиқлайди [8] . Федерал қоидаларнинг 52.246-12-банди эса давлат органига қурилиш ишларини қабул қилишдан олдин исталган босқичда текшириш ва синовдан ўтказиш, зарур ҳолларда аввал бажариб бўлинган конструкцияларни очиб текшириш имконини беради. Агар бунда иш шартнома талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланса, текшириш ва қайта тиклаш харажатлари пудратчи зиммасига юкланади[9].

Миллий ва хорижий механизмларни қиёсий таҳлил қилишдан келиб чиқиб, қурилишда бажарилган ишлар ҳажмини сунъий оширишни аниқлашни уч босқичли тизим асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ: биринчи босқичда электрон тизим орқали смета, лойиҳа, тендер ва бажарилган ишлар ҳужжатларидаги миқдорий кўрсаткичлар автоматик таққосланади; иккинчи босқичда аниқланган тафовутлар бўйича объектда мақсадли назорат ўлчови ўтказилади; учинчи босқичда эса ўлчаш имкони бўлмаган ёки ёпилиб кетган ишлар ижро чизмалари, қабул қилиш далолатномалари ва зарур ҳолларда қурилиш-техник экспертизаси орқали текширилади. Бундай ёндашув назоратни барча объектларда бир хил ҳажмда ўтказишдан кўра, эҳтимолий қоидабузарлик аломатлари мавжуд объектларга ресурсларни йўналтириш имконини беради.

Хулоса ва тавсиялар

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қурилиш объектларида бажарилган ишлар ҳажмини сунъий ошириб кўрсатиш ҳолатларини аниқлаш фақат молиявий ҳужжатларни текшириш билан чекланмаслиги лозим. Самарали назорат учун лойиҳа-смета ҳужжатлари, пудрат шартномаси, бажарилган ишлар далолатномалари, ҳисоб-фактуралар, ижро чизмалари ҳамда объектда амалда бажарилган ишлар ўзаро комплекс

[8] https://www.acquisition.gov/far/52.232-5

[9] https://www.acquisition.gov/far/52.246-12

солиштирилиши зарур. Айниқса, назорат ўлчови, қурилиш-техник экспертизаси ва электрон маълумотларни автоматик таққослаш усулларини биргаликда қўллаш сунъий ошириш ҳолатларини аниқлаш самарадорлигини оширади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин.

Биринчидан, қурилиш объектларида бажарилган ишлар ҳажмини текширишда "лойиҳа – смета – шартнома – бажарилган ишлар далолатномаси – ҳақиқий ҳолат" тамойили асосида **ягона солиштирма текширув алгоритмини жорий этиш мақсадга мувофиқ**. Бунда ҳар бир иш тури бўйича ҳужжатларда кўрсатилган ва амалда бажарилган амалда бажарилган ишлар ҳажми автоматик равишда таққосланиши лозим.

Иккинчидан, хавф даражаси юқори бўлган объектларни **автоматик аниқлаш тизимини кенгайтириш** зарур. Хусусан, сметадаги иш ҳажмининг лойиҳа чизмаларига мос келмаслиги, бажарилган ишлар далолатномасидаги кўрсаткичларнинг шартнома ва тендер маълумотларидан фарқ қилиши каби ҳолатлар объектда назорат ўлчовини ўтказиш учун асосий хавф индикаторлари сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ

Учинчидан, кейинчалик текшириш имконияти чекланадиган, яъни бошқа конструкциялар билан ёпилиб кетадиган қурилиш ишларини қабул қилиш жараёнида фото ва видео қайд этиш, геолокация ва вақт белгиси билан тасдиқланган электрон маълумотларни шакллантириш амалиётини **кенг жорий этиш лозим**. Бу пойдевор, арматура, гидроизоляция ва муҳандислик тармоқлари каби ишлар бўйича кейинчалик уларнинг ҳақиқий ҳажмини текшириш имконини оширади.

Тўртинчидан, назорат ўлчови натижасида жиддий тафовутлар аниқланган ҳолларда **қурилиш-техник экспертизасини ўтказиш механизмидан кенгроқ фойдаланиш** мақсадга мувофиқ. Экспертиза

орқали нафақат бажарилган иш ҳажми, балки сарфланган материаллар миқдори, уларнинг лойиҳа талабларига мувофиқлиги ҳамда бажарилган ишларнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш мумкин.

Умуман, мазкур усулларни босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ҳолда қўллаш қурилиш объектларида бажарилган ишлар ҳажмини сунъий ошириб кўрсатиш ҳолатларини эрта аниқлаш, молиявий зарарнинг олдини олиш ҳамда қурилиш соҳасида назорат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Liu, Hao & Cheng, Jack & Gan, Vincent & Zhou, Shanjing 'Alexander. (2022). A novel Data-Driven framework based on BIM and knowledge graph for automatic model auditing and Quantity Take-off. Advanced Engineering Informatics. https://www.researchgate.net/publication/363882560_A_novel_Data-Driven_framework_based_on_BIM_and_knowledge_graph_for_automatic_model_auditing_and_Quantity_Take-off

2. Khosakitchalert, Chavanont & Yabuki, Nobuyoshi & Fukuda, Tomohiro. (2019). Improving the accuracy of BIM-based quantity takeoff for compound elements. Automation in Construction. https://www.researchgate.net/publication/334401592_Improving_the_accuracy_of_BIM-based_quantity_takeoff_for_compound_elements

3. Valinejadshoubi, Mojtaba & Moselhi, Osama & Iordanova, I. & Valdivieso, Fernando & Bagchi, Ashutosh. (2024). Automated system for high-accuracy quantity takeoff using BIM. Automation in Construction. https://www.researchgate.net/publication/377040724_Automated_system_for_high-accuracy_quantity_takeoff_using_BIM

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, 2021 йил 20 майдаги "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини

тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 321-сон Қарори // қонунчилик маълумотлари миллий базаси // https://lex.uz/docs/5429356#5433167

5. https://old.anticorruption.uz/uzc/item/2021/11/24/kapital-qurilish-sohasida-korrupsiyasiz-soha-loyihasini-amalga-oshirish-chora-tadbirlari-ijrosi-yuzasidan-brifing

6. https://uza.uz/oz/posts/samarqandda-45-milliard-somni-yeb-yuborgan-quruvchi-va-buyurtmachiga-jinoyat-ishi-ochildi_722318

7.file:///C:/Users/%D0%90%D0%B4%D0%BC%D0%B8%D0%BD%D0%B8%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B0%D1%82%D0%BE%D1%80/Downloads/2568138.pdf

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг, 2026 йил 9 сентябрьдаги "Бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш соҳасида "Хавфни таҳлил қилиш" электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги №3935-сон буйруғи // қонунчилик маълумотлари миллий базаси // https://www.lex.uz/ru/docs/8468314

9. https://www.acquisition.gov/far/52.232-5

10. https://www.acquisition.gov/far/52.246-12